250397

МАҚОМЧИ АЛЛОМА ЁДИ

ТОШКЕНТ. Мухтор Ашрафий номидаги Давлат консерваториясида мақомчи аллома, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча бўлди. Кечада консерваториянинг ижрочилик кафедраси мударрислари ва шогирдларининг чиқишлари кўпчиликка маъқул келди. Санъатшунослик номзоди С. Бегматов алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Сайёра ШОДИЕВА.

Урганчдаги Ўзбекистон – Жанубий Корея "Алоқа – ДЭУ" қўшма корхонаси муҳандислари Улуғбек Матниёзов ва Виктор Ни.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Менинг эрка улоғимнинг Донм ҳушёр қулоғи.
Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

КОМПЬЮТЕРДА БОСИЛГАН ГАЗЕТА

НУКУС. Қорақалпоғистон полиграфкомбинати замонавий технология воситалари билан жиҳозланмоқда. Бу ерга Германиянинг "Гейдельберг-СНГ" фирмасида ишлаб чиқарилган янги ускуналар келтирилиб, ўрнатилди. Улар орасида компьютерлар ҳам бор. Хусусан, Англиянинг "Макинтош" фирмаси компьютерлари, суратга оладиган "Топаз"сканери, босма машиналари ва бошқа аппаратлар синовдан ўтказилмоқда. Газета-журналларни компьютерлар ёрдамида чоп этиш, китоблар ва плакатларни офсет усулида ишлаб чиқаришда мазкур фирмаларнинг мутахассилари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 18 март, сешанба № 34 (22.118).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

АКЦИЯЛАР — КОНИ ФОЙДА

Бултур Қўқондаги 14-қурилиш трести «Қўқонқурилиш» акциядорлик жамиятига аъзо бўлганди. Ишлаб чиқаришни замон талаблари даражасида олиб бориш, тадбиркорлик билан иш юритиш натижасида акциялар даромад келтира бошлади. Ўтган йилнинг ўзида 7,5 минг акцияга 30 фоиздан дивиденд тўланди. Корхонанинг қуввати ортиб бориши билан 73 фоиз акция корхона ҳисобига ўтди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ХОРИЖ ГАЗЕТАЛАРИ ЁЗАДИ

☑«ДЕЙЛИ ТЕЛЕГРАФ» газетаси ёзишича, аввалги анъаналарга қарши ўларок, Англия қурувчилари мўмай даромад топиш мақсадида Ирландияга бормоқдалар. Ҳатто, иш қидириб бормоқчи бўлганлар мўлжалдагидан бир неча баробар кўп. Бугунги кунда битта бўш ўринга 3 нафар навбат кутиб турганлар тўғри келади.

* * *

☑ «Чикаго Трибюн» газетаси мухбири, Албанияда аҳвол бироз ўнглангандек туюлса-да, воқеалар асосан аввалгидек ривожланмоқда, дея хабар беради. Америка ва Италия ҳарбий вертолётлари Албанияда ишлаётган чет элликларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетмоқдалар. Европа ва Америка дипломатлари эса бу воқеаларнинг олдини олиш керак, дея ҳисоблайдилар. Янги Миллий бирлик ҳукумати ва қўзғолончиларнинг музокараларида Албанияга тинчлик ўрнатувчи кучлар киритилиши тавсия этилди. Президент Сали Беришанинг шахси ва ишлари Албанияда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Уни албанияликлар мамлакатнинг сармоя ишларидаги қинғирликларда айбламоқдалар. Маълумки, Президентнинг оиласи мамлакатни аллақачон тарк этган.

* * *

☑«Вашингтон Таймс» (Америка) газетаси инсониятни келгуси юз йилликда кутаётган озиқ-овқат маҳсулотлари муаммосига жавоб топишга интилади. Гўшт ва сут маҳсулотларидан бутунлай воз кечиб бўлса-да, очликни енгиб ўтиш мумкинми, дея савол қўяди америкалик тадқиқотчилар. Олимлар Ер аҳолиси гўшт ва сут маҳсулотларини йилдан-йилга кўпроқ истеъмол этаётганликларини аниқладилар. Гўшт, сут ва парранда маҳсулотларини кўпайтириш ем-хашакни кўпайтириш билан, ем-хашакни кўпайтириш эса экиладиган маҳсулдор ер майдонларини кенгайтириш билан боғлиқ. Шаҳарлар ва турар жойларнинг кенгайиб бораётгани бу муаммони тобора кескинлаштирмоқда.

* * *

☑Японияниинг «Дейли Иомиури» газетаси Перу давлатидаги ижтимоий-сиёсий бўҳроннинг якунланиши ҳақида ёзади. Тупак Амару Инқилобий ҳаракатининг террорчилари мана қарийб 3 ойдирки мамлакатдаги Япония элчихонаси биносида бир гуруҳ мутахассисларни гаровга тутиб турибдилар. Япония ёки Перу ҳукумати уларнинг Доминикан Республикаси ёки Кубага етиб олишларини таъминласа, гаровга ушланганларни озод этиш ниятида эканликларини маълум қилдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 март куни Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Мустафо Калемлини қабул қилди.

Президентимиз Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик ва қон-қардошлик ришталари қадим тарихга бориб тақалишини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик бугунги кунда ҳам жадал суръатларда ривожланаётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон айни вақтда жаҳондаги деярли барча мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйган. Аммо Туркия Республикаси улар орасида алоҳида ўрин тутади, — деди Ислом Каримов. — Хусусан, ўтган йили Президент Сулаймон Демирэл жанобларининг юртимизга ташрифи чоғида имзоланган абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ўзаро муносабатларимизни яна да мустаҳкамлаш йўлида муҳим воқеа бўлди.

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Мустафо Калемли ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётганини эътироф этаркан, уларни янада ривожлантиришда ҳар икки давлат парламентлари ҳамкорлиги муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Суратда: қабул пайти. А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 18 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,22
1 Австрия шиллинги	4,86
1 Англия фунт стерлинги	92,74
10 Бельгия франки	16,58
1 Голландия гульдени	30,40
10 Греция драхмаси	2,18
1 Дания кронаси	8,96
1 БАА дирхами	15,79
1 АҚШ доллари	57,98
1 Миср фунти	17,12
1 Ирландия фунти	90,59
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	4,03
100 Италия лираси	3,43
1 Канада доллари	42,49
1 Хитой юани	6,99
1 Қувайт динори	191,01
100 Ливан фунти	3,76
1 Малайзия рингги	23,42
1 Германия маркаси	34,20
1 Норвегия кронаси	8,47
1 Польша злотийси	18,84
10 Португалия эскудоси	3,41
1 Сингапур доллари	40,47
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	11,46
1 Франция франки	10,14
1 Швеция кронаси	7,48
1 Швейцария франки	39,78
1 ЭКЮ	66,33
10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Япония иенаси	4,69
100 Россия рубли	10,17
1 Украина гривнаси	31,71
1000 Беларусь рубли	2,45
1 Эстония кронаси	4,57
1 Латвия лати	99,62
1 Литва лити	14,50
1 Қозоғистон тенгеси	0,77
1 Қирғизистон соми	3,32

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

АРАБ ДУНЁСИДА АЗ-ЗАМАХШАРИЙ КЎЧАЛАРИ

Ота макон улуғлари

Хева шаҳрининг 2500 йиллиги таваллуди арафасида Хоразмдан чиққан улуғ олим Маҳмуд аз-Замахшарий ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм яратишга киришилди. Ижодкорлар фильмни суратга олиш учун Иордания Ҳошимийлиги араб мамлакатига боришганида талай қувонарли далиллар гувоҳи бўлишди. Фильм ижодкорларидан бири Убайдулла Уватовнинг маълум қилишича, Иордания пойтахти — Аммондаги дорилфунунларда, мактабларда ўзбек олимининг асарлари қўлланма тарзида ўқитилар, кутубхоналарда сақланар, дўконларда эса китоблари сотилар экан. Пойтахт шаҳарда аз-Замахшарий номли кўча бўлиб, унга араб ва инглиз тилларида ўзбек олими номи ёзилган тахтачалар осиб қўйилган. Бу кўча шаҳар марказига яқин бўлиб, унда турли идоралар, уй-жой бинолари жойлашган. Бундан ташқари маълумотлар тўплаш жараёнида Ироқ, Сурия, Миср каби мамлакатларнинг йирик шаҳарларда ҳам аз-Замахшарий номли кўчалар мавжудлиги аниқланди. Булар билан бир қаторда оддий араб оилаларида ўзбек олимининг улуғ номини ўзига исм қилиб олган кишилар ҳам бор экан.

Ўзбек олими араб мамлакатларида узоқ йиллар мобайнида қилган сафари чоғида араб тили грамматикаси, одоб-ахлоқ фазилатлари, Қуръон тафсири ва бошқа қатор соҳаларда араб тилида 50 га яқин асарлар яратиб йирик қомусчи даражасига етишган араб мутафаккирларидан бири шундай деган экан: «Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк аз-Замахшарийдек машҳур йирик алломани дунёга келтирган».

Абдулла ПЎЛАТОВ.

НАВРЎЗ ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Наврўз — табиатнинг уйғониш ибтидоси, Шарқ халқларининг азалий ва боқий байрами, кишиларни эзгуликка, покликка ҳамда фаолликка чорловчи, ҳар қандай мафкурадан ҳоли шодиёна. Наврўзнинг ана шундай эзгу сифатлари юқсак савияда ўз ифодасини топган, мамлакатимизнинг бугунги ҳаётида кечаётган улуғвор ва бунёдкорона жараёнлар нафаси уфуриб турган мақолалар (лавҳа, репортаж, фотолавҳалар). *«Наврўз — боқий байрам»* танловига таклиф этилади.

Голибларни қуйидаги мукофотлар кутади:

Энг яхши таҳририят учун (битта) — энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида.

Энг яхши мақола учун:

Биринчи мукофот (битта) — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида.

Иккинчи мукофот (иккита) — энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорида.

Учинчи мукофот (учта) — энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида.

Республика, вилоят, туман ва шаҳар газеталари, журналистлар, энг яхши чиқишлари эълон қилинган газетадан 2 нусхада 1997 йил 7 апрелга қадар танлов ҳайъатига жўнатишлари сўралади.

Манзилимиз: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди.

«Наврўз — боқий байрам» танловига.

«ПАХТА-БАНК»: ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Тошкентда «Пахта-банк» ихтисослашган акционерлик-тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши бўлди. Унда банкнинг ўтган йилги фаолияти якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VII сессиясида сўзлаган нутқи асосида бу йилги вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда банк бошқаруви раиси Ж. Сайфиддинов маъруза қилди. «Пахта-банк» барча минтақаларда агросаноат мажмуини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш дастурларига кредит бериб ҳамда маблағ ажратиб, ўз мижозларига барча турдаги банк хизматини кўрсатиб, собиткадамлик билан иш юритаётгани қайд этилди.

Йиғилишда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди, банк низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди, янги филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар тасдиқланди, шунингдек бошқа айрим ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ж. Сайфиддинов яна «Пахта-банк» бошқаруви раиси этиб сайланди.

(ЎзА).

ҚИШЛОҚҚА КИНО НЕГА КЕЛМАЙДИ?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Кино санъатлар орасида ўзига хос ўринга эга. Бинобарин, кинонинг инсон камолоти, ўз-ўзини англашидаги хизмати беқиёсдир. Чунки, фильмлар орқали одамлар савоб билан увол, эзгулик билан разиллик, диёнат билан хиёнат, муҳаббат ва нафратнинг асл қиёфасини пайқаб оладилар, ўзларини ножўя амаллар, хатти-ҳаракатлардан тиядилар.

Хўш, бозор муносабатлари ҳукмронлик қилаётган бугунги шароитда маънавиятимиз мезони аҳолига кино хизмати кўрсатишнинг қишлоқдаги аҳволи қандай? Қишлоқда кинога эҳтиёж борми? Ана шу саволларга жавобни Бухоро вилояти туманларидан изладик.

Очиғини айтганда, бугунги кунда вилоятнинг барча туман ва қишлоқларида аҳолига кино хизмати кўрсатиш талаб даражасида эмас. Шу боис, мавжуд кинотеатр ҳамда қишлоқ клублари ҳувиллаб ётибди. Бу ерга томошабинларнинг қадами аҳён-аҳёнда етмаса, бошқа вақт жуда файзсиз. Ўнлаб клублар ойлаб қулфлоғлиқ туради. Кино афишаларини умуман учратмайсиз. Биз Вобкент шаҳридаги «Ватан» кинотеатрида бўлдик. Кинотеатр тўрт юз томошабинга мўлжалланган. Аммо деворлари тўкилай деб турибди, томидан чакка ўтади. Шу боис, иситилмайдиган кинотеатрда кечқурун саноқли томошабин тўпланаркан.

— Ҳар бир соҳанинг ўзига хос муаммоси бўлади, — дейди «Шофиркон кино-видео» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Ҳомид Ваҳобов. — Сир эмас, телевидение кўпроқ ҳаётимизни қамраб олди. Биргина Ўзбекистон телевидениеси эмас, балки туманимизда вилоят, Ғиждувон, Шофиркон телевидениеси дастурларини томоша қилиш имконияти бор. Балким шу боис кинотеатрга келаётганлар сони камаяётгандир. Шофиркон туманида ҳозир 28 жамоа хўжалиги бор. Ҳаммасида ҳам клуб йўқ. Бугунга келиб фақат Бобур номли, А. Навоий номли, С. Жабборов номли жамоа хўжаликларида кино кўрсатилади, холос. 15 нафар киномеханикка 14 та аппарат билан кино кўрсатиш учун ҳамиша ҳам шароит бўлмайди. Режаларнинг бажариш омили мактабларга бориб, ўқувчиларга кино кўрсатиш бўлмоқда. Ҳолбуки, туман марказидан анча олис хўжаликлар талайгина. Чўпонларни айтмаса ҳам бўлади. Транспорт муаммоси кўндаланг бўлиб турибдики, бу ҳам бизни ташвишга солаётган муаммо!

— Клубларнинг йиллаб қулфланган ҳолда туришига сабаб хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги, — деб сўзини давом эттирди бош муҳандис. — Сўрасангиз, — «Э, ана телевизор тўла кино, нима қиламиз бекорга пул сарфлаб» дейишади. Энди уларнинг бу фикрини ўзгартирамиз деганимизда бош ҳисобчилар ижара ҳақини тўланглар деб турибдилар цехларга айлантирилган. Бор пул билан 27 ишчини таъминлаб бўлмайди. Кинотеатрни эпақага келтирайлик десак, қўлимиз калта.

Бундай эътирозли фикрларни бошқа туманларда бўлганимизда ҳам эшитдик. Тўғри, муаммо топаман десангиз ҳар бир соҳада бор. Уларнинг ечимини топиш учун изланиш керак-да. Халқимизда «Мард айбни ўзидан ахтаради», деган ажойиб мақол бор. «Бухорокиновидео» ҳиссадорлик жамияти давр талабидан келиб чиқиб шаҳар ва қишлоқларда хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қўйса, ҳиссадорлик жамиятларида тарғибот ва талабчанликни кучайтирса, кадрларга ғамхўрликни оширсагина аҳвол ўнгланиши муқаррар.

Яна бир муаммо. Бу — вилоятда мавжуд телевидениелар ва видеобарлар фаолияти устидан тўлақонли назорат ўрнатилиши даркор. Чунки, бу видеобарларда баъзан миллий урф-одатимизга ёт бўлган беҳаё, уррйиқит тасвирлардан иборат хорижий фильмлар ҳам қўйилаяпти. Демак, тегишли назорат бўлмаса, мўмай даромад ишлаб олиш мақсадида ҳеч нарсадан қайтмайдиган «шоввоз»лар хуфия «фаолият»ларини давом эттираверишлари мумкин.

Масаланинг иккинчи бир томони, кинотеатрларда миллий фильмлар, хоҳ у бадиий, хоҳ ҳужжатли бўлсин, камдан-кам ҳолларда қўйиляпти. Шу ўринда кинорежиссёрларимизга ҳам айрим эътирозларимиз бор. Мана, юртимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганига ҳам қарийб олти йил бўляпти. Мамлакатимизда шу беш-олти йил ичида асрларга татигулик ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз куни кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда таъкидлаганларидек, нега бугунги қайноқ ҳаётимизни, улкан ўзгаришларни акс эттирувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар кам. Вақт келмадимикин бу соҳада отни қамчилашга! Умуман, маънавият ва маърифатга эътибор кучайган бугунги кунда, назаримизда, ҳеч бир соҳа, шу жумладан кино ишлаш ва айни чоғда кино хизмати ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКНИНГ БОЛАСИ КИМДАН КАМ?»

Мустақиллик иньоми билан юртимизда ҳар куни янгиликлар яратилмоқда, бу эса инсонларни эртанги кунга умид ва ишонч билан яшашларидан далолат беради.

Юртбошимизнинг 1997 йил 7 январдаги иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Шунга мувофиқ бугунги кунда кўпчилик ёшларни қизиқтираётган «Умид» жамғармаси бизнинг ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Яхши ниятлар билан ҳужжат топшираётган йигит-қизларни кўриб кўзинг қувонади. Дарҳақиқат. Президентимиз айтганидай: «Ўзбекнинг боласи кимдан кам?» — деган фикр хаёлимиздан кечади.

Масъулиятли вазифани бўйнига олган жамғарма бошқаруви раиси ўринбосари — ижрочи директори Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ билан суҳбатимиз жамғарманинг иш фаолияти, мақсади, келажаги ҳақида бўлиб ўтди.

Миллат ва маънавият

— Муқимжон ака, ҳар бир нарса эҳтиёжлар асосида юзага келади. Шу жумладан «Умид» жамғармаси ҳам республикамиздаги ёшларни иқтидорини англаган ҳолда ташкил топган десак янглишмаймиз. Келинг, суҳбатимизни жамғарма ташкил топишидаги асосий мақсадлардан бошласак.

— Илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва иқтисодиётни амалга оширувчи мутахассислар тайёрлаш бугунги кун талабидир. Худди шу мақсадда замонавий технологияни ва бошқариш илмини биладиган иқтидорли ёшларни тайёрлаш учун «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Шу кунга қадар республикамизнинг 700дан ортиқ фуқароси хорижий давлатларда таълимнинг турли шаклларида ўз малакаларини оширмоқда. Лекин, бизнинг жамғармамиз орқали чет давлатларга чиқадиган ёшлар тарихимизни, миллий қадриятларимизни ва бугунги кун ислоҳотлар руҳини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёга олиб чиқишади.

— Жамғармага ҳужжат топшираётган ёшларни қандай танловлар кутмоқда?

— Шу кунгача жамғармага бакалаврликка — 150 та, магистратурага — 72 та, тажриба орттириш учун 15 га яқин иқтидорли йигит-қизларимиз ҳужжат топширишди. Хорижий тилларни биладиган иқтидорли ёшлар АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги дунёга таниқли ва машҳур ўқув юртларида жаҳон меъёрлари даражасида илмга эга бўладилар. Биз шартнома тузган ҳар бир чет давлатнинг ўз таълим дастури бор. Ёшлар хорижий мамлакатлар тести асосида имтиҳонлар топширадилар. Жамғарма ёшларимизнинг маънавиятини, жамиятимиздаги иқтисодий-сиёсий жараёнларни қай даражада билишини синовдан ўтказади. Мутахассисликка, хорижий тилга доир имтиҳонларни эса ўз бағрига олаётган мамлакат ваколатхоналари қабул қилади. Қанча балл тўплаш кераклигини ҳам ўша давлатдаги тест марказлари ҳал этади.

— Танловдан ўтган ёшлар чет элларда қайси йўналишда таълим олишлари ва тажриба оширишлари кўзда тутилган?

— Бунинг учун биз жамиятимиздаги энг устувор йўналишларни танладик.

Масалан Иқтисодиётдан:

— монетар сиёсат ва пул муомаласи;

— тижорат банклар иши;

— молияни бошқариш;

— инвестиция ва қимматбаҳо қоғозлар бозори;

— менежмент ва маркетинг;

халқаро ҳуқуқдан:

— халқаро сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар;

— халқаро молия ҳуқуқи;

— халқаро тижорат ҳуқуқи;

— информатика ва компьютерлаштиришдан:

— табиий фанлар;

— қишлоқ хўжалиги:

— экология ва сув тизимларини бошқаришдан;

— журналистикадан.

— Таълим қандай шаклларда олиб борилади?

— Бакалаврлик-олий ўқув юртлари дастури буйича таълим 4 йилгача; магистратура-аспирантурага тенг келадиган таълим 2 йилгача; тажриба орттириш — 1 йилгача:

— Улар Ватанга қайтгач иш билан таъминлаш масалалари ҳақида нима дея оласиз?

— Ёшларимизни давлат тизимларида, устувор ислоҳотлар учун долзарб жойларда фаолият кўрсатишларига жамғарма ёрдамлашади.

— Республикамизда иқтидорли ёшлар кўп, лекин уларнинг баъзилари маълум сабабларга кўра чет тилини чуқур ўзлаштиролмаган. «Умид» жамғармаси бундай ёшларга қандай шароитларни йўлга қўйган?

— Биз танловларимиз тугагач, июль-август ойларида тайёрлов марказлари очишга қарор қилдик. Чет тилларини ўрганишни хоҳлаган ёшлар сентябрь ойидан бошлаб жамғармада ташкил этилган тил марказларида машғулот ўтказишлари мумкин. Аввало, тил ўрганиш инсонларнинг ўзига боғлиқ, агар жиддий шуғулланса, албатта, ўзи хоҳлаган тилида гаплашиши мумкин.

— Жамғармани қайси ташкилотлар моддий ва маънавий томондан қўллаб туради?

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча вазирликлар, қўшма компаниялар, банклар ва бошқа ташкилотлар жамғармага ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқдалар.

— «Биринчи қалдирғоч»ларга нима деган бўлардингиз?

— Уларга, она-Ватанимиз учун фидокорона меҳнат қилинг, истиқлол ғояларига садоқатли, ўзбек халқини нуфузини янада юқорига кўтарадиган ёшлар бўлиб етишинглар деган бўлардим!

Суҳбатимизни хулосалар эканмиз, фан-техника ривожланаётган бир даврда замондан орқада қолиб бўлмаслигига яна бир бор амин бўламиз. Японларнинг икки яшар боласи компьютер билан муомала қилишни билса-ю, нахотки бизнинг болаларимиз ўрганолмаса? Эскидан қолган гап бор: «Одам қилганини одам қилади». Бунинг учун эса фақат изланиш, билим керак. Ишонамизки, Узбекистоннинг йигит-қизлари ҳам бошқа мамлакат ёшларига ҳар томонлама ўрнак бўладилар. Бу борада уларга «Умид» жамғармаси ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда «Умид»дан умидимиз катта!

Суҳбатдош: Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА.

ЗАРДЎЗЛАР СУЛОЛАСИ. Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЧИНГИЗҚИРНИНГ ДОВРУҒИ

ЯНА ҚАЙТА-ҚАЙТА ТИЛЛАРГА КЎЧДИ



Мустақиллик иншоотлари

Хоразмда ўт-ўлан унмайдиган Чингизқир бағрида мана икки йилки улкан қурилиш авжида. Қад ростлаб қолган иншоотнинг баҳайбат темир тўсинлари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Ўнлаб катта-кичик бинолар, турли ёрдамчи корхоналар ҳар ойда битказилиб, қурилиш майдони тобора кенгаймоқда. Қисқаси, Хоразм шакар заводи қурилиши жадал бормоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил октябрь ойидаги 512-сон қарорида шундай жумлалар бор: «Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «ТуркЮкселинШоот», «ТуркШакар» фирмаси билан ҳар кеча-кундузда уч минг тонна қанд лавлагисини қайта ишлайдиган шакар заводи қурилсин». Йилига олтмиш минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга улкан завод қурилиши учун 83 миллион АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилган. Бунинг учун «Туркэксхимбанк» 25 миллион доллар қарз ажратган. Қолган маблағ вилоят ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси ресурсларини экспорт қилиш орқали топилиши кўзда тутилганди.

Қурилиш ишлари 1995 йилнинг баҳорида бошланди. Шу йилнинг ўзидаёқ завод қурилажак майдонга барча зарур муҳандислик тармоқлари тортилди. Темир йўл ётқизилди, ёрдамчи биноларнинг бир қисми қуриб битказилди. Бу масъулиятли юмушларни «Туямуйинсувқурилиш» бошқармасининг қурилиш ташкилотлари қисқа муддатларда, сифатли амалга оширдилар. Хазорасп туманининг «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ҳудудидан қурилиш учун ажратилган юз гектар майдонда ўтган даврда бир кун бўлса-да бунёдкорлик ишлари тўхтамади. Ҳозиргача туркиялик ҳамкорлар 16 миллион доллар қийматида қурилиш ишлари сифатли бажарилишига ҳисса қўшишди.

Шакар заводининг асосий биносини туркиялик мутахассислар маҳаллий муҳандислар билан ҳамкорликда тиклашмоқда. Зарур ускуналарнинг бир қисми аллақачон келтирилиб, монтаж ишлари бажарилди. Заводга Туркия ва Европа давлатларида ишлаб чиқарилган, энг сўнгги русумдаги замонавий технологияга асосланган ускуналар ўрнатилмоқда.

Қиш фаслида қурилиш-монтаж ишларида икки юз нафарга яқин малакали қурувчилар иштирок этишмоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ётоқхоналар, ошхона ва бошқа зарур иншоотлар бекаму кўст фаолият кўрсатмоқда.

Тўғри, ҳозирча бунёдкорлар сони кам. Негаки, темир конструкцияли асосий бинони тиклаш, ускуналарни ўрнатиш мураккаб жараён бўлиб, фақат малакали муҳандислар фаолият кўрсатишни талаб қилади. Баҳор бошланиши билан қурилиш майдонида беш юздан ортиқ киши меҳнат қилиши режалаштирилган.

— Малакали қурувчиларимизга ўн минг сўмгача ойлик маош беряпмиз. Туркиялик муҳандислар билан ҳамкорликда мураккаб монтаж ишларини бажаришимиз, ҳар икки томон манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, — дейди Хоразм шакар заводи қурилиши дирекцияси бошлиғи Давлат Абдуллаев.

Завод келгуси йилнинг кузида илк маҳсулотини бера бошлайди. Шу боисдан воҳада қанд лавлаги етиштириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилиб, бу борада илк тадбирлар кўрилаётир. Камида ўн беш минг гектарда таркибида қанд моддаси бой бўлган ўсимлик етиштириш керак бўлади. Амалдаги йил экиш мавсумида бу борада илк тажрибалар синовдан ўтказилади.

Завод иш бошлагач, тўрт юз нафардан зиёд киши иш билан таъминланади. Энг асосийси, мамлакатимизнинг шакарга бўлган эҳтиёжини ўзимизда тўла қоплаш имкони яратилади. Чунки, завод ишлаб чиқарадиган шакар билан камида иккиуч вилоят аҳолисини бемалол таъминлаш мумкин бўлади. Бундан ташқари заводда маҳсулот чиқиндисидан спирт, тўйимли чорва озуқаси ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

...Чингизқирда иш жабҳаси қизғин. Улкан иншоот тобора кўкка бўй чўзмоқда. Истиқлол иншоотлари иш бошлайдиган кунлар, яқинлашмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Ў. ШАРИПОВ олган сурат.

ЎЙИНЧОҚЛАРДА ГАП КЎП...

Ҳаёт гули

Болалигингиз ўтган, униб-ўсган хонадонингиздаги ҳамма нарса кўзингизга чиройли кўринади. Ҳамма нарса азиз. Яқинда уйга борганимда бир нарсадан қаттиқ таъсирландим. Биз болаликда ўйнаган ўйинчоқларимизни энди акаларимнинг фарзандлари ўйнаб ўтиришарди. Дадамнинг айтишларича, бу ўйинчоқларни (1958 йилда туғилган) катта акам уч-тўрт ёшлигида олиб берган экан. Ҳар хил ранг берилган ёғоч бўлаклари, шакллар йиғиндисидан иборат бу ўйинчоқни оиламизда, қариндош-уруғлар ичида ўйнамаган бола қолмаган. Ҳатто, бир куни болалик дўстларимдан бири уйимизга кириб қолиб «Э, бу ўйинчоқ ҳали ҳам борми?» деб ҳайратланганини эсимда. Биз, бу ёғоч бўлакларидан мактаблар, саройлар, фавворалар, боғчалар, кўп қаватли уйлар, кўприклар қурардик. Аслида мебель фабрикасидаги майда-чуйда ёғоч чиқиндиларидан тайёрланган бу ўйинчоқни яратган одам шундай шаклларни йиққанки, уларни жипслаштирсак, бир-бирларининг «пинжига кириб» ихчамгина битта махсус ёғоч қутига жой бўлади.

Ранглари анча уринган, аммо ҳали ҳам хизмат қилаётган бу ўйинчоқларга, уни ўйнаётган жиянчаларимга қараб, ўйланиб қолдим. Хўш, бугун нега шунақа ўйинчоқлар йўқ? Умуман, бугун болалар учун тузукроқ ўйинчоқлар борми?

Ўйинчоқларнинг ҳаётда хизмати катта бўларкан. Улар болалардаги орзуларнинг илк куртакларини юзага чиқараркан. Қаранг, аввалари ҳар хил самолётлар, машиналар ясаш мумкин бўлган махсус конструктор ўйинчоқлар бўларди. Нега уларни бугун кўрмаймиз? Биз айрим болаларимизнинг ҳафсаласиз, илмга, касбга хуши йўқлиги, пул топиш учун бозорга интилаётгани ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, илмга, касбга йўналтирадиган, уларнинг энг дастлабки, ҳамроҳлари бўлган ўйинчоқлар ҳақида ўйлаб кўрдикми? Бугун кўп болалардан ким бўлмоқчисан, десангиз, «бизнесмен», деб жавоб беради. Энг ёмони, улар бизнесмен деганда кўпроқ отчопар бозорида ўтириб мол сотишни тушунади. Нега улар орасида космонавт-учувчи ёки архитектор бўламан, дегувчилар кам?

Бола, ҳаётда ўзига таниш, яқинроқ бўлган соҳаларга интилади. Эҳтимол, улар келажагини фақат бозорда кўраётгандир. Балки бизнесмен деган тушунча жуда кенг маънода тушунилишини англаб етмагандирлар.

Ўйлаб кўрайлик, аввалари оддий пуфланадиган коптокдан тортиб турли қоғоз кубикларда ҳам чиройли расмлар, ҳарфлар бўларди. Уларни болаларга кўрсатиб, бемалол дарс ўтиш мумкин эди. Тунука доскалари билан махсус магнитли ҳарфлар бўларди. Улардан турли сўзлар чиқариш мумкин эди. Қисмлари ажралиб сўнгра йиғиладиган самолёт, ракета, машиналар-чи! Хўш, уларни бўлаклаб йиғиш асосида болаларнинг қизиқишлари ортмасмиди? Ортарди. Шундай экан нега бугун мамлакатимизда чиқаётган «ДЭУ» автомобиль заводи маҳсулоти бўлмиш «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналари тимсолида ана шундай майдалаб йиғса бўладиган конструкторлик ўйинчоқларини яратиш мумкин эмас? Ахир, бу ончалик қийин эмас-ку! Бу билан биз қанча бола кўнглида машинасозликка қизиқиш уйғотган бўлардик. Худди шундай гапни самолётлар ҳақида ҳам гапирса бўлади. Ахир, ажойиб авиация заводимиз бор. Ҳақиқий орзу болаликдан мустаҳкамланиб боради. Шунинг учун ҳам болаликдаги орзуларни рўёбга чиқариш йўлида турли самолётлар, вертолётлар ясаш мумкин бўлган конструкторлик ўйинларини тез орада яратиш, савдога чиқариш керак.

Тўғри, бугун бозорларимизда янги-янги ўйинчоқлар пайдо бўлмоқда. Айниқса, «Лего» ўйинчоқлари болаларимизга кўпроқ маъқул. Яхши ўйинчоқлар бутунлай йўқ эмас. Бор. Аммо, жуда қиммат. Биз, миллий ўйинчоқлар ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Ўзбекона қўғирчоқларимиз борми? Нега кулиб турган қизчаларимиз, ўғилларимиз, нуроний боболаримиз, бувиларимиз, келинчакларимиз тимсолларини яратиш мумкин эмас? Тўғри, бу борада айрим қўғирчоқлар яратилди. Аммо, кийимлари — ўзбекона бўлгани билан кўзлари ўзбекники эмас... Ҳеч қўғирчоғининг сочларини силаб, меҳр билан жажжи бешикка белаётган қизалоқларни кузатганмисиз? Ўйинчоқлар катталар турмуш тарзини ўзида акс эттирадиган кичик жиҳозлардир. Бекорга темирчининг ўғлидан темирчи, дурадгорнинг ўғлидан зўр дурадгор чиқмас экан. Болаликдан кўз пишади. Меҳр унади.

Нега чиройли жиҳозланган ёпқичли ўйинчоқ бешикларни ясаш мумкин эмас? Ҳунармандлар ишлаб чиқаради. Аммо бу етарли эмас-да. Нега ҳар хил идиш-товоқлар, тикув машиналари, стол-стулларни ишлаб чиқариш мумкин эмас? Ахир, мебель фабрикаларида кунига қанча майда-чуйда ёғочлар чиқади. Мана шу корхоналарнинг раҳбарлари ҳам болаларни ўйлаб, улар учун нималардир яратишга интилса ёмон бўлмасди.

Ҳар хил резина, илону ўргимчак, ҳеч қандай маъно англатмайдиган турқи совуқ ўйинчоқлар болаларимизнинг фақат тарбиясини бузиши мумкин холос. Болалар одатдагидан ташқари ўйинчоқларга қизиқишади. Шу боис Хитойдан савдогарларимиз олиб келган ҳар хил портловчи нарсаларга ўзларини отишди. Бунинг учун биз кўп ҳолларда уни ўйнаётган болаларни айбладик. Аммо, бу расво нарсаларни уларга ким келтириб берди? Ўйлаб кўрдикми? Болаларга қизиқ ўйинлар, завқини оширадиган ўйинчоқлар керак. Ҳам ниманидир ўргансин, ҳам завқланиб ўйнасин. Ўйинчоқлар болаларимизнинг кўз очганларидан бери қўлидан тушмайдиган энг яқин ҳамроҳи, дўстидир. Биз уларни ҳар хил совуқ ўйинчоқларга эмас, уларни нурли орзуларга йўлловчи, ҳақиқий ўйинчоқларга дўст қилайлик.

Миҳожиддин МИРЗО.

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

АЛОҲИДА ДОРИХОНА ОЧИЛСА...

Ҳурматли таҳририят! Мен II-гуруҳ ногирониман, қанд касаллигига чалинганман. Дори-дармонлар нархи қиммат бўлгани учун менга ўхшаш хасталарга оғир бўлмоқда. Дориларга тез-тез ишим тушгани боис мен бир нарсанинг гувоҳи бўламан. Максим Горький метроси ёнида 5 та дорихона бор. Уларда бир турдаги дорининг нархи 80-85 сўм турса, «Чилонзор» метроси ёнидаги дорихонада баҳоси 48 сўм. Ҳолбуки, асл нархи 20-23 сўм турар экан. Буни қандай тушунса бўлади?

Назаримда ҳар бир туманда ногиронлар учун алоҳида дорихона очилиб, энг зарур бўлган дорилар арзон нархда сотилиши таъминланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Туроб БОБОҚУЛОВ,
II-гуруҳ ногирони.

«БОЛАМ, ОВОЗИНИ ҚАЧОН ПАСАЙТИРАСАН?»

Шовқин ва бақир-чақириқлар инсон саломатлигига ва асабига зарар. Бош оғрийди, юрак ўйнайди, эшитиш қобилияти пасаяди. Бу ҳаммага маълум. Лекин бозорларда, аҳоли гавжум жойларда магнитафонни бақиртириб қўйишмоқда. Аксарият кассета қўювчилар ёш йигитчалардир. Уларга «Болам, сал овозини пасайтириб қўйгин» десангиз писанд қилишмайди. Қулоқни қоматга келтираётган ленталардаги ашулаларда маъно йўқ. Бу ашула ҳам, санъат ҳам эмас. Боз устига савдо қилувчиларга ҳам, харидорларга ҳам халақит беради. Бир киши иккинчисининг гапини эшитолмайди. Асабингиз бузилади. Хўш, бундай аҳвол қачонгача давом этади? Бозорлар маъмурияти бундай нохуш ҳолатни йўқотиш учун қачон чора кўрадилар?

Ғуломжон ҚАЮМОВ,
Тошкент шаҳри.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КЎПРИКДАГИ ЎЛПОН»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 16 январь)

Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси ДАН бўлими томонидан газетанинг шу йил 16 январь сонида босилган «Кўприкдаги ўлпон» сарлавҳали мақоласи юзасидан текшириш ўтказилди. Дарҳақиқат, Амударёнинг Қорақалпоғистон Республикасининг Хоразм вилояти билан боғловчи «Қипчоқ» кўпригида жойлашган ДАН масканида транспорт воситалари олиб кетаётган ва қайтаётган юклар ноқонуний равишда республикадан ташқарига чиқишининг олдини олиш мақсадида қатъий назорат этилади.

Қизилжар массиви Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашгани учун ҳайдовчининг ёнида йўл варақасидан ташқари юкнинг ҳужжатлари бўлиши талаб этилиши қонун билан белгиланган.

Мақолада келтирилган «кўприкка чиқишда бир қоп, тушишда бир қоп шоли талаб қилиниши» ҳолати юзасидан ДАН маскани Қорақалпоғистонга тегишли бўлгани учун текшириш ташкил этилмади. Лекин хат муаллифлари С. Ўразметов, Э. Оллаёров, М. Худойберганов билан суҳбат ўтказилганда, улар кўприкдаги таъмагирлик ҳолатини исбот қила олмасликларини айтдилар, ҳамда Хоразм вилоят ДАН ходимларига ҳеч қандай эътирози йўқлигини билдирдилар.

Газета мақоласи шу йил 24 январь куни 10/72-сонли чиқиш рақами билан барча шаҳар, туман ички ишлар бўлимларига юборилди ва атрофлича муҳокама этилди. Унда кўрсатилган ҳолатларнинг вилоятимиз ҳудудида такрорланмаслиги бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

А. ТОЖИЕВ,
Хоразм вилояти ИИБ ДАНБ бошлиғи, милиция подполковниги.

(«Хатлар, хатлар, хатлар», материалларини Алишер РЎЗИЕВ саралади).

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПАНИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кузатув кенгашининг қарорига биноан Сизларни 1997 йил 15 апрель соат 15.00да бўладиган акционерлар йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибида кўриладиган масалалар:

1. «Ўзбекистон Шампани» ҳиссадорлик жамиятининг 1996 йилги молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили.
2. Тафтиш гуруҳининг ҳисоботи.
3. Кузатув кенгашининг ҳисоботи.
4. Дивидендни тақсимлаш тартиби.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уй, «Ўзбекистон Шампани» ҳиссадорлик жамияти биноси клубида.

"ЎЗБЕКСАВДО"

ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон ҳукуматини, бутун ўзбек халқини баҳор ва янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қизғин муборакбод этади.

Акционерлик уюшмамиз жамоаси Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасида халқимиз томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлайди. Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси хорижий шерикларимиз билан биргаликда иш юритиб, мамлакатимизнинг бойбадавлат бўлишига, гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшаверади. Ўзбекистон ҳар томонлама тараққий этган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши йўлида бор куч-ғайратимиз ва шижоатимизни аямаймиз.

Шуниси қувончлики, бу галги Навруз байрами муқаддас жума кунига тўғри келмоқда. Одатда Навруз жума кунига тўғри келган йилларда деҳқонларнинг қадаган уруғлари, эккан кўчатлари жуда мўл ҳосил берган. Демак, бу йил юртимизда тўкинчилик, фаровонлик бўлади.

Мустақил Ўзбекистон фуқароларини

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлар эканмиз, Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир оиласида тинчлик, тотувлик, осойишталик бўлишини тилаймиз. Осойишталик бор жойда эса ҳар доим барака бўлади. Бинобарин, "Инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган йилда мамлакатимиз янада фаровон бўлишига ўзимизнинг ҳиссамизни биз ҳам қўшаверамиз!

"ЎЗБЕКСАВДО" ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН — АМЕРИКА

"АЛ — ФАРОСАТ"

Республикамиз ҳукуматини ва мамлакатимизнинг барча халқини баҳор, янгиланиш, яшариш, покланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН

сидқидилдан табриклайди!

Бу айём Ўзбекистон аҳлига тинчлик-хотиржамлик, дастурхонларига қут-барака ҳамда соғлиқ-саломатлик олиб келсин!

Шунингдек, қўшма корхона турли компьютер, оргтехника ва бутловчи қисмларни

СОТАДИ.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.
Телефонлар: 36-73-44, 36-55-18.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 18-mart, seshanba № 34 (22.118).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

БАСТАКОР УЗОҚНИ КЎЗЛАБ ЯШАШИ КЕРАК

Симфония, араториялар, миллий мақом куйлар каби шоҳ асарлар инсоннинг беқиёс қобилияти, чуқур илми, собит иродаси эвазига дунёга келади. Уларни тинглашга, тинглаганда ҳам тушуниб тинглашга савияни ўзимизда топа оламизми? Мусиқага бўлган муносабатимиз, маданиятимизни қанчалик

1

шакллантирганмиз...

Бастакор Мустафо Бафоев билан суҳбат қуришга чоғланарканман, у кишининг олдида ўзимни жуда кичкина одамдек ҳис қилиб кетдим. Тўғриси чўчидим улкан салоҳият соҳиби-бастакор билан тенгма-тенг фикрлашиб, ўринли саволлар бериб, чи-

ройли суҳбат қурармиканман, деган андиша кемирарди ичимни. Аслида у оддий инсон камтаргина. (Мени билимли, ўзгалардан кўра ақллироқ киши-

лар ҳамиша оддийлиги, камтарлиги билан қойил қолдирган.) Мусиқа санъатининг барча жанрларидаги юзлаб куй-қўшиқлар муаллифи, «Ҳажнома», «Улуғбек бурҳи», «Зафарнома» араториялари, ранг-баранг симфониялар, опера, балет спектакли асарларига куй яратган композитор олдида шундай хаёлларга бориш табиий, албатта.

Бугун Мустафо Бафоевнинг 1992-96 йилларда яратган асарлари, жумладан, «Умар Ҳайём» операси, «Нодира», «Улуғбек», «Мозийдан нур» балетлари, мустақилликни таранну этувчи куй-қўшиқлари мукофотга тавсия этилмоқда.

— Сиз ижодингизда аксарият тарихий асарларга мурожаат этгансиз. Бунинг боиси нима?

— Мен тарихни яхши кўраман. Ўтмиш қадриятларини эъзозлаш, буюк бобокалонларимиз ибратли ишларини келажакка намойиш этиш орқали ёшларни тар-

2

биялаш жуда аҳамиятга молик деб биламан. Тарихни билмай, ўрганмай туриб эртанги кунга интилиб бўлмайди.

—Тарихий асарларга куй басталаётганингизда сиз қандай кайфиятда бўласиз?

— Қўлимга шеър ёки бир асарни олиб ўқиётганимда аввало унинг фалсафасига тушуниб, руҳига киришга ҳаракат қиламан. Шундагина оҳанг туғилади. Тарих воқеалари, инсон маънавияти мени жиддий ижод қилишга ундайди.

— Куй яратиш ижоднинг бошқа турларига қараганда, жуда қийин бўлса керак. Бунинг учун инсондан нималар талаб қилинади?

— Болалигим қишлоқда ўтган. Аждодимизда менга қадар мусиқага алоқадор шахслар ўтмаган. Баъзан ўйга толаман. Нега мен бу йўлни танладим? Оллоҳ кўнглимга солдими? Мусиқа

жуда мураккаб экан. Унга муносабатни ёшликдан тарбиялаш керак. Қадимдан маълумки, ўтмиш алломаларимиз — Ибн Сино, Жомий, Дарвешали рисолаларида мусиқа ҳам риёзат фанлари — математика фанларига таллуқли этиб кўрсатилган. Қомусий билимли олимларимиз Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Навоийлар мусиқани жуда қадрлашган. Навоий ўзи куйлар ёзган. Шунинг учун ҳам тахаллусини наво сўзидан олган. Аммо, афсуски, замонамизда баъзи ёшлар, ўрта ёшдаги кишиларнинг мусиқага муносабати яхши эмас. Содда куй-қўшиқларни эшитишлари мумкин, йирик классик асарларга келганда эса, йўқ, бизга тўғри келмайди, деб қўя қолишади.

— «Ғазаллар», (Бобур ғазаллари асосида), Ибн Синонинг минг йиллик тўйига бағишланган ка-

3

мер-оркестр куйи, Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланиб «Мовароуннаҳр», «Ҳолати Навоий» деб номланган симфонияларингиз миллий классик асарлар асосига қурилган. Симфония, опера, балет бизга Европадан кириб келган. Бу мусиқаларнинг халққа сингиши масаласига қандай қарайсиз?

— Инсон узоқни кўзлаб яшаши керак. Фақат бугунни ўйлаб, одамлар шуни севади, деяёнгил-елпи нарсаларни ёзиб, вазиятга мослашишга одатланмасдан, халқ даражасини шакллантиришни ўрганайлик.

Дунё бўйича мусиқа санъатининг олий дурдоналарини ўрганиш билан маданиятимиз — маънавиятимизни юксакликка кўтарсак ёмонми? Масалан, руслар-ни олайлик, Чайковский, Глинка, Рахманинлар чиққунча уларда мусиқа санъати деярли йўқ эди. Ўша буюк санъаткорлар рус маданиятини бутун дунёга танитди. Ҳолбуки, бизнинг шарқ миллий маданиятида. мусиқа санъатининг илдизлари жуда теран.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Жаҳонга танилмоқда. Унинг бутун дунё маданияти билан баҳслашадиган санъаткорлари, бастакорлари бор. Фақат, уларнинг асарларини дунёга кўрсата олишимиз керак.

Хабарингиз бордир, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Самарқандда «Шарқ тароналари» фестивали ўтказилади. Унда турли мамлакатлардан — Европа, Шарқ мамлакатлари, Япония, Туркия, Эрон, Малайзия, Марказий Осиё юртлари вакиллари қатнашадилар. Мусиқага бўлган бундай эътибордан хурсанд бўлиб, бизга берилаётган имкониятлардан фойдаланмоғимиз даркор.

— Сиз учун композитор бўлиш қийинми?

— Жудаям қийин. Бунинг учун кўп ўқиб ўрганиш, дунё маданияти илмидан бохабар бўлиш, узоқ йўлни босиб ўтмоқлик талаб қилинади. Шундагина бақувват асл дурдона асарлар дунёга келади. Оллоҳ ҳар кимга ўзига яраша қобилият ато этган. Ўша қобилият, салоҳиятдан имкон қадар унумли фойдаланиш, руҳий қудратингиз кучини синаш билан жамиятга, инсониятга нафинг тегиб яшаш, қанчалар яхши, билсангиз. Куй ёзаётган дақиқаларимда ана шундай ҳиссиёт қамраб олади. Эртасига қарасангиз у оддий куйдек туюлади. Ёзган нарсаларимдан шу бугунгача ҳеч қониқмадим. Янаги сафар бундан-да яхшироқ ёзишга интиламан. Менинг ижодий нуқтаи-назарим шундан иборат.

МЕҲРБОНУ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО

18-22 март кунларида республикамизнинг баъзи бир туманларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Давр охирида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати даврнинг биринчи қисмида меъёрида бўлиб, кечаси 4-9 даража илиқ, кундузи 13-18 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ҳаво ҳарорати кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Шимолий вилоятларда эса ҳаво ҳарорати кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 10-15 даража илиқ бўлиши мумкин.

Даврнинг иккинчи ярмида ҳаво ҳарорати 3-5 даражага пасаяди.

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда давр бошида қисқа муддатли ёмғир ёғади. Қолган пайт ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси 4-9 даража илиқ, кундузи симоб устуни 13-18 даража илиқни кўрсатади.

22 март куни ҳаво ҳарорати 2-4 даражага пасаяди.

ЮЛДУЗЛАРСИЗ ФУТБОЛ БЎЛМАС

Бугун мамлакат миллий футбол чемпионати байроғи кўтарилади

Спорт

Юртимизда футболга давлат аҳамиятига молик масала, деб қаралмоқда. Футболни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, ўринбосарлар сафини кенгайтириш, моддий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир эмас, икки марта муҳим ҳужжат қабул қилиниши ҳам шундан.

Хўш, футболимизга катта эътибор қилинаётганлигига яраша кутилган натижаларига эришилаяптими? Тўғрисини айтганда йўқ деб айтишга андак андиша қиласан, киши. Чунки, катта футболни шакллантириш борасида саъй-ҳаракатлар йўқ эмас. Айтайлик, ўтган йили спорт қўмитаси, футбол федерацияси мутахассислари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда деярли барча вилоятлар бўйича Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг ижроси бўйича текширувлар уюштирилди. Сўзсиз, кўпгина вилоятларда бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, аксарият ўйинчоҳлар замон талабига мос эмаслиги, футболни оммавийлаштириш тўғрисида сусткашлик борлиги, айниқса, ўқувчи-ёшлар ўртасида футболга бўлган муносабатни шакллантириш ҳамда ўринбосарларни тайёрлаш бўйича камчиликлар борлиги аён бўлди.

Мана яна футбол баҳори келди. Минглаб мухлислар орзиқиб кутган дамлар. Афсуски, жуда кўп мухлису, футболчи ва мутахассисларнинг янги мавсум арафасидаёқ кўнгиллари сув ичмай турибди. Боиси, биринчи табақа жамоаларининг шарт-шароитлари у ёқда турсин, айрим олий табақа вакиллари учун ҳам халқаро андозаларга мос қулайликлар яратилган, деб бўлмайди.

Ҳарқалай, мавсумга тайёргарликни ўрнига қўйиш, имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Кўпроқ ўртоқлик учрашувларида йигитларнинг маҳоратларини кўрикдан ўтказишга зўр берилди. Жумладан, Фарғонада анъанавий мавсумолди баҳсларининг уюштирилиши, «Навбаҳор» футболчиларининг МДҲ чемпионлари кубоги учун курашда иштироки, қолаверса, Тошкент яқинидаги Қибрай спорт мажмуасининг кўпгина жамоалар учун ўзига хос маҳорат мактабига айланиши ҳам шундан. Шунингдек, «Бухоро»нинг Туркманистонда, «Трактор» ва «Зарафшон»нинг Малайзияда, «Дўстлик»нинг Германияда, «Навбаҳор»нинг Кипрда ва ниҳоят бош жамоамизнинг Туркия сафарида бўлиши ҳам машқларни тобига еткази ш йўлида қилинган ҳаракатлар сирасига киради.

Дарвоқе, кўпчиликни қизиқтирган бир гап. Миллий терма жамоамиз Осиё кубоги учун баҳсда мағлубиятга учрагандан кейин таркибий ўзгаришларни бошидан кечирди. Жамоа янги кучлар билан бойитилди. Лекин нима учундир Франциядa ўтажак жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларидан муддати яқинлашяптику бош жамоанинг мураббийси тайинланмай турибди. Жамоадаги шу ҳолатнинг ўзиёқ ишқибозларни ташвишга солмоқда. Терма жамоамиз Туркия сафари олдидан ўз сафига Сойиб Аҳмедов, Бахтиёр Аширматов, Нўъмон Ҳасанов, Мухтор Қурбонов, Бахтиёр Қамбаралиев, Шуҳрат Раҳмонқулов, Ойбек Усмонхўжаев, Марат Дилмуҳамедов, Тоҳир Мадраҳимов, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Зафар Мусабоев, Георгий Забиров, Сергей Лебедев, Жаъфар Ирисметов, Рустам Шоймардонов, Павел Бугало, Шуҳрат Асатов каби йигитларни аъзоликка қабул қилгани маълум бўлди.

Терма жамоамиз олдида қийин, аммо шарафли вазифа турибди. Футболчиларимиз жаҳон чемпионати саралаш учрашувларини муваффақиятли ўтказишлари ва жаҳон чемпионати финалига йўлланма олишлари учун жуда катта иш қилишларига тўғри келади. Чунки, бош жамоамизнинг ютуғи ва довруғи билан Ватан ва Ўзбекистоннинг номи уйғундир. Футболчиларимиз қаерда, қандай ўйнашмасин, миллионлар нигоҳида қувонч уйғотишга, тилларда «Ўзбекистон... Ўзбекистон...» деган сўзларнинг жаранглашига эришмоқлик зарур.

Янги мавсум ўзгача тартиб ва шароитда бошланмоқда. Ўзига хос янгиланишлар юз берди. Хусусан, кўпгина жамоаларнинг «Хоразм», «Гиламчи», «Афросиёб», «Бухоро», «Андижон» номида майдонга тушишлари муҳлисларга маъқул келмоқда. Бу йил ғолибликка даъвогарлар ҳам кўпроқ, чамаси. Жумладан, «Нефтчи» яна чемпионликни ҳавас қилмоқда. «МҲСК» биринчи ўринга асосий даъвогарлардан. «Навбаҳор» ҳам бўш келмайди. Ўзининг 40 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган пахтакорчиларнинг ҳам шаштлари баланд.

Ишқибозлар эса янги мавсумда футболчиларимизнинг ўзгача ҳаракат қилишларидан умидвор. Боиси, шу пайтгача кўпгина йигитларнинг икки тайм мобайнида фаол ҳаракат қилишга ҳоллари келмаётгани кўринарди. Наҳотки, футболчиларимизга тезкорлик, ҳужумкорлик, ўзаро ҳайрихоҳлик каби жаҳон футболига хос фазилатлар ёт бўлса.

Яна бир гап. Энди жамоаларимизнинг ўз клублари бор. Футболчиларимиз профессионалга айланишган. Бир нарсани унутмайлик. Ёшларни моддий рағбатлантиришда андак эҳтиёткорлик зарур. Акс ҳолда уларни руҳлантираман деб, «бузиб», маззахўракка айлантириб қўйишимиз мумкин. Шунингдек ўтган йили йўл қўйилган энг ёмон камчиликлардан бири — ҳакамларнинг учрашувларни бошқаришда одил ва холисликни бузиб, келишувчиликка йўл қўйишгани бўлди. Бу аҳволда футболда тажриба ва маҳорат орттириш, асл иқтидорларни камол топтириш осон кечмайди. Иложи бўлса, жамоаларимизга хориждан ўйинчиларни таклиф қилиб, шунингдек, шартнома асосида футболчиларимизни чет эл клубларида ўйнашга йўл бериб футболимизнинг ҳалқаро мақомини шакллантиришга хизмат қилайлик. Бир сўз билан айтганда, футбол тажрибасида ўз исботини топган усулдан фойдаланишимиз ўз самарасини беради. Айтмоқчимизки, юртимизда ўз ҳаракати, аниқ нишони, чапдастлиги ва тўпурарлиги билан юлдуз мисол чақновчи янги номларни излашимиз керак. Чунки, юлдузларсиз футболни тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун таъмирланган халқаро андозаларга мосланган Марказий «Пахтакор» ўйингоҳида футбол байрами бўлади. Илло, янги мавсум ҳам бетакрор воқеалар, унутилмас таассуротларга бой бўлади, деб умид қиламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Масжиди Калонникг учинчи умри

Бухоройи шарифда ҳозир ҳам ўтмишдан сўзлаб турган тарихий обидалар бисёрки, улардан бири Масжиди Калондир. У яратилгандан буён бир неча бор вайрон этилди.

Тарихий манбаларда таъкидланишича, Масжиди Калон Бухоро амири Арслонхон томонидан 1221 йилда қурдирилган. Қолаверса у шаҳарда қурилган биринчи масжид эмас. Илгари шариф шаҳарда Муслимхоннинг тахт вориси Қутайба томонидан ҳам масжид бунёд этилган.

Шуниси эътиборлики, Масжиди Калон Марказий Осиёда ягона жомеъ масжиди саналиб келинаётир. Масжиднинг 7 дарвозаси, 208 устуни, 288 та гумбази бор. Буни қарангки, бундан 75 йил муқаддам қизил аскарлар ҳам худди Чингизхондек бу улуғ даргоҳга нопок қадамларини босдилар. Оқибатда у яна вайрон этилди. Яксон бўлган гумбазлар шаҳарнинг жонкуяр фарзандлари меҳнати билан ўшанда таъмирланди ҳам. Аммо кейинги йилларда унинг дарвозалари мўмин-мусулмонлар учун бутунлай ёпиб қўйилди. Ундан омборхона сифатида фойдаланиб келингани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Мустақиллик шарофати туфайли унутилган қадамжолар, ёдгорликларга эътибор ошди. Шу боис Масжиди Калон яна мўмин-мусулмонларнинг муқаддас қадамжосига айланди.

Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан Масжиди Калоннинг таъмирланаётгани муқаддас даргоҳга учинчи умр бағишлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н.ШАКАРОВ, навбатчи М.МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00.
топширилди 22.45.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ ЖАМОАСИ

Жонажон республикамиз фуқароларини кириб келаётган

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин қалбдан муборакбод этадилар, ҳамма-ҳаммаларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр,

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИДА

ишларида омад, файзу барака ва ҳар бирларининг эзгу ниятлари, орзу-хаваслари ушалишига тилакдош эканлигини изҳор қиладилар. Яратганнинг ўзи панохида асрасин, ўтган азизларнинг руҳлари ҳамроҳ бўлсин!

«АМИСКЭ» фирмаси

Россия заводларида ишлаб чиқарилган автомобиль ва қишлоқ хўжалик техникаси ШИНАЛАРИНИ, шунингдек УАЗ, ГАЗ автомобилларини, металлпрокатни СОТАДИ.





Манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7-уй, 302-хона. («Узгипроводстрой» илмий тадқиқот институти биноси)
Телефон: (3712) 41-13-52.

"ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"

"ЎЗМАТЛУБОТТАЪМИНОТ" уюшмаси Украинада ишлабчиқарилган 10 кг.гача оғирликни ўлчовчи РН - 10Ц 13У рақамли тарозиларни



"ШАРП-А120- назорат-касса аппаратларини Нон маҳсулотлари ва турли пишириқлар тайёрлаш учун ШПЭСМ -3 шкафларини СОТАДИ.

Ҳақ тўлаш шакли-пул ўтказиш йўли билан.
Телефонлар: (3712) 48-43-92, 48-15-21, 48-64-89.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги «Бизнес-инвест» фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

МЧЖ «Азиз» фирмаси ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти С. Мусахўжаевага укаси Ш. ИСОХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.